

---

## ТУМАНДОШЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ

### ТУМАНДОШЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ

Сўнги йилларда Риштон фарзандлари, турли йўналишларда Халқаро доирадаги мусобақалар, танловларда иштирок этиб, совринли ўйинларни қўлга киритишмоқда.

Ана шундай ютуқларга эга бўлган ёшларимиздан бири – Дурдонахон Абдуғаниевадир.

Риштон туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси саналган Дурдонахон Абдуғаниева Беларус давлатининг Могилёвск шаҳрида бўлиб ўтган “Золотая пчелка” кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Шу муносабат билан Могилёвск вилояти Климович тумани мэри В. Демидов ушбу кўрик-танловда иштироки учун туман ҳокими С. Солиев ва 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби Б. Жалоловаларга миннатдорчилик ёрлиғини жўнатди.

2021-06-02 13:44:08